

Эшак ва хачирники шаклидир. (Таҳорат олувчи) ундан бошқасини топа олмаса, ундан таҳорат қилиб, кейин таяммум ҳам қилади.

Тер ҳам ортган сувга ўхшайди.

Бу жумлаларда бир тоифа жонзотлар теккан сувдан покланиш учун ишлатса бўладими, йўқми – шу ҳақда сўз кетмоқда. Уларнинг ичида поки ҳам, нажаси ҳам, макруҳи ҳам, шаклиси ҳам бор.

1. Одамдан, отдан ва ҳар бир гўштини еб бўладигандан ортиб қолган сув покдир.

Бу ерда «одамдан» дейилиши номики одам бўлса, ундан қолган сув пок бўлишини англатади. Одам мўминми, кофирми, хотинми, эркакми, каттами, кичикми, жунубми, ҳайз кўрганми – фарқи йўқ. Фақат ароқ ичган бўлмаса бўлди. Агар ароқ ичган бўлса, оғзи нажас бўлгани учун унинг оғзидаги ва оғзи теккан нарсалар ҳам нажас бўлади. У оғзидаги нажосатни кетказиш учун уни ювиши, сув ичиши ёки тупугини уч марта ютиши лозим.

Одамнинг поклиги ҳақидаги далиллар:

عَرَمَ مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصْرَهُ لَوْلَا لُؤْسَرِ يَنْ يَقْلَ: لَأَقُؤْ عُنْ عُلْ لَلْ يَضْرَعَرِي رُهُ بَبَأَنْ ع
تَلَلَسُنْ أَفِ: عِي أَوْرِي فَو. تَسَنَنْتُ خَافُ بُنْجَ أَنْ أَوْ عَنِّي دَمْلًا قُرْطُ نَمِ قِي رَطِ ي
تُنْ كِي يِّنْ! تَلُقُ «عَرِي رُهُ أَبَا أَي تَنْ كِنِّي أ» لَأَقُ فِ تَلُقُ مَثُ تَلَسَنْتُ عَافُ تَبَهَدَفِ
أَلَمَلَسُ لَانِ لَلْ أَنْ أَحْبُسُ «لَأَقُ عَرَاةَ طَرِيغِ لَعَلَّ كَسَلْ أَجْ أَنْ تَوْرَكَ فِ أَبْنُجِ
ةَسَمَّ خَلْ هَاوَر. «سُجْنِي

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир марта Мадинанинг йўлларида бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга йўлиқиб қолдилар. Мен жунуб эдим, ўзимни четга олдим».

Бошқа ривоятда:

«Билдирмай суғурилиб чиқдим. Бориб, ғул қилиб келдим. Ул зот:

«Эй Абу Хурайра, қаерда эдинг?» дедилар. Мен:

«Жунуб эдим, сиз билан нопок ҳолимда ўтиришни ёқтирмадим», дедим. Ул зот:

«Субҳаналлоҳ! Мусулмон нажас бўлмас», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

يَلِصُّ بِبَنِي لَوْلَانُ الْمُثُ، ضِيَّاحُ أَنْ أَوْ بَرَشَأُ تَنْكُ: تَلَّاقَ هُنَّ عُلَّالِي ضَرَّةَ شِيءٍ عَنِّ عِ
، ضِيَّاحُ أَنْ أَوْ قَرَّعَ لَوْلَانُ قَرَّعَتْ أَوْ، بَرَشِيَّيْ فَيَفِ عَضَّيْ فَيَفِ مَلَسُو هِي لَعِ هَلَلِ
مَلَسُمُ هَاوَرِ. يَفِ عَضَّوْمَ يَلَّعُ هَا فِ عَضَّيْ فَيَفِ مَلَسُو هِي لَعِ هَلَلِ يَلِصُّ بِبَنِي لَوْلَانُ الْمُثُ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Мен ҳайзли ҳолимда бирор нарсани ичиб, кейин Набий соллаллоху алайҳи васалламга берар эдим. У зот менинг оғзим теккан жойга оғизларини қўйиб ичар эдилар. Мен ҳайзли ҳолимда суякни ғажиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга берар эдим. У зот менинг оғзим теккан жойга оғизларини қўяр эдилар».

Имом Муслим ривоят қилган.

أَنْ أَوْ يَرْجَحُ يَفِ كَيْتِي مَلَسُو هِي لَعِ هَلَلِ يَلِصُّ بِبَنِي لَوْلَانُ سَرَّ نَاكُ: تَلَّاقَ هُنَّ عَضَّ شِيءٍ عِ
مَلَسُمُ هَاوَرِ. نَارُقُّ لَوْلَانُ قَرَّعَتْ أَوْ، ضِيَّاحُ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Мен ҳайзли бўлган ҳолимда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам кўксимга суяниб олиб, Қуръон ўқир эдилар».

Имом Муслим ривоят қилган.

نَمَّ يَلِصُّ بِبَنِي لَوْلَانُ الْمُثُ، ضِيَّاحُ أَنْ أَوْ بَرَشَأُ تَنْكُ: تَلَّاقَ هُنَّ عُلَّالِي ضَرَّةَ شِيءٍ عَنِّ عِ
مَلَسُمُ هَاوَرِ. يَفِ كَيْتِي مَلَسُو هِي لَعِ هَلَلِ يَلِصُّ بِبَنِي لَوْلَانُ سَرَّ نَاكُ: تَلَّاقَ هُنَّ عَضَّ شِيءٍ عِ
مَلَسُمُ هَاوَرِ. نَارُقُّ لَوْلَانُ قَرَّعَتْ أَوْ، ضِيَّاحُ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тунда намоз ўқир эдилар. Мен ҳайзли ҳолда у зотнинг ёнларида бўлар эдим. Устимда бир мирт бўлиб, унинг бир томони у зотнинг устиларида бўлар эди».

Имом Муслим ривоят қилган.

Матнда отнинг алоҳида зикр қилиниши шубҳани кўтариш учундир. Чунки уламоларимиз орасида отнинг гўштини ейиш ҳалол деганлари ҳам, ҳаром деганлари ҳам бор. «Отнинг гўшти ҳаром», деганларнинг гапига биноан, ундан қолган сув ҳам пок бўлмаслиги керак, деган фикр келиши мумкин. Бунга мутлақо ўрин йўқ. Чунки «Отнинг гўштини ейиш ҳаром», деганлар унинг нажаслиги учун эмас, жиҳодга керак бўлиши учун шундай деганлар. Аслида отнинг гўшти поклигига ҳеч ким ихтилоф қилмаган.

Гўшти ҳалол қуш ва ҳайвонларнинг сўлаги ҳам пок. Чунки сўлак гўшtdан ҳосил бўлади. Бинобарин, улардан қолган сув ҳам пок бўлади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан